2009 йил, 20 январь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (11.324)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

## Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, туманлар ҳокимлари иштирокида раҳбар кадрлар малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган минтақавий семинар давом этмоқда.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 72-мактабда мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иштирокида таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган ўқув семинари Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Оила» илмий-амалий маркази ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Оила — муқаддас Ватан» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида самарқандлик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари пойтахтимизга етиб келишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Жонажон шаҳрим — Тошкентим» мавзуида ўтказилган тадбир Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлигида тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий омилларига бағишланган тадбир ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида III ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

● **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида туманлардаги «Камолот» етакчилари иштирокида ўтказилган семинар «Юксак маънавият — енгилмас куч» деб номланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*





*Акциядорлик жамиятларида*

## САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЙИБ, ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЧИРОЙ ОЧДИ, ПОЙТАХТИМИЗДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ИНШООТЛАР, МУҲТАШАМ ИМОРАТЛАР ҚАД РОСТЛАДИКИ, БУ УНИНГ КЎРКАМЛИГИНИ ЮЗ ЧАНДОН ОШИРДИ.**

Албатта, бунёдкорлик ишларининг сифатини таъминлашда, қурилаётган ҳар бир иншоотнинг мустаҳкамлиги ҳамда кўркамлигини оширишда зарур қурилиш ашёларининг ўзига хос ўрни бор. Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда сифатли ва рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларининг кўплаб турлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ана шундай маҳсулотлар бунёдкорларимизга қўл келиб, ички бозорда харидорларини топиши баробарида буюртмалар асосида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Буни шубҳасиз, тадбиркорлик билан ички ва ташқи бозорни ўрганиш, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўллаш, корхона цехларини модернизация қилиш, хориждан юксак унумли технологик линиялар келтириб ўрнатиш самарасидир, десак асло муболаға бўлмайди.

Пойтахтимиздаги «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» очиқ акциядорлик жамияти Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона ва кекса корхоналардан бири ҳисобланиб, асосан қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 1932 йилда ташкил этилган мазкур корхонада 1954 йилдан буён пол ва деворлар учун мўлжалланган сопол кошин (плитка)лар ишлаб чиқарилади. Шуниси эътиборлики, корхона акциядорлик жамиятига айлангач, ишлаб чиқариш қуввати ортишига, маҳсулотларнинг бозоргир турларини яратишга эътибор қаратилди. Бунинг учун эса цехлар модернизация қилинмоқда, янги технологик линиялар келтириб ўрнатилмоқда.

Бугунги кунда бу ерда тайёрланаётган сопол кошинлар маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилган ҳолда Италия технологияси асосида ишлаб чиқарилмоқда. Италия давлатининг «SITI» фирмаси билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган тадбиркорлар унинг дастгоҳларидан унумли фойдаланмоқдалар.

— Ушбу технологик линияни 1997 йилда кредит эвазига олгандик, — дейди корхона директорининг ўринбосари Алишер Ҳайтанов. — Ушбу дастгоҳ йилига 650 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. 2007 йилда 200 минг квадрат метр, 2008 йилда 240 минг квадрат метр маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 400 минг квадрат метрга етказиш кўзда тутилган. Шунинг баробарида маҳсулот турлари ҳам, ҳажмлари ҳам кўпаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда корхона ўз маблағлари ҳисобидан Италиядан 298 минг еврога келтирилган янги технологик линияларни ишга туширишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу линиянинг йиллик қуввати 2 миллион квадрат метр кошин ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шунингдек, унда 60х60 ҳажмдаги кошинлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

— Бундан ташқари пресс-кошин тайёрлаб берадиган участкани ҳам модернизация қилишни кўзда тутаяпмиз, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳусниддин Асомиддинов. — Яъни Италиянинг янги ускунаси қўйилиши оқибатида ишлаб чиқариш қуввати ортади. Айтиш жоизки, бугунги кунда жамоамизда 200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, амалга оширилаётган лойиҳамизнинг 1-босқичида 16 та, 2-босқичида эса 68 та ишчи ўринлари яратишни кўзда тутганмиз. Иккинчи босқичда пишитадиган печь ҳам олиш режада бор. Энг асосийси эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати, кўриниши яхшиланиб, мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлиги ортади, халқаро стандартларга мослигига эришиш пировард мақсадларимиз сирасига киради.

Ўтган 2008 йилда амалга оширилган ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, сопол кошинлар дизайни ва ҳажмига эътибор ортди. Яъни турли гул солинган ва нақшли, шунингдек, сопол — безак кошинлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ранглари эса 35 хилдан ортиб кетди. Яна таъкидлаш лозимки, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш цехида янги турдаги кўплаб буюмлар яратилдики, уларнинг хили 300 дан ортди. Улар буюртма асосида савдо шохобчаларига етказиб берилди ҳамда корхонанинг «Кулол» фирма дўкони орқали харидорини топмоқда.

Корхонада қурилиш ташкилотлари, компания ва фирмалар, савдо шохобчаларининг буюртмаларини ўз вақтида ҳамда сифатли адо этиш, харидор талаб ва эҳтиёжини ўрганишга эътибор қаратилмоқда.



Келгуси режалар хусусида тўхталиш жоиз, албатта. Чунки у корхона истиқболини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Жорий йилда Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари билан тузилган шартномага кўра маҳсулот экспорти йўлга қўйилади. 2010 йилда эса янги линиянинг 100 фоиз қувват билан ишлашига эришиладики, бу ички бозорнинг юқоридаги қурилиш ашёсига бўлган талабини 80 фоизга қондиради. Хитойдан ўтган йили келтирилган бадиий безак берувчи ускуна қувватидан унумли фойдаланган ҳолда кошинлар турлари ортади, уларнинг таннархини арзонлаштириш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, катта ҳажмдаги сопол кошинлар ҳам тайёрланади ва буюртмачилар талаби қондирилади. Халқ истеъмоли молларининг рангбаранг турлари ишлаб чиқарилади. Энг муҳими эса корхона маҳсулотлари четдан келтириладиган шундай қурилиш ашёлари ўрнини босиб, четга чиқадиган валюта захирасини тежашга имкон яратади. Яна асосийси, тадбиркорларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидаги ҳиссаси муносиб бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона ишчи-хизматчилари Янги йилни эзгу ниятлар билан бошлашди ва маҳсулот турларини кўпайтиришмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

***Сўнгги йилларда Бенилюкс мамлакатлари фуқароларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ортмоқда. Хусусан, йил сайин юртимизга ташриф буюриш истагида бўлган сайёҳлар сафи кенгайиб бораётир. Айниқса, Буюк Ипак йўли шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива европалик сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этяпти. Кўплаб сайёҳлик фирмалари уларнинг Ўзбекистонга сафарларини ташкил этишга қизиқиш билдирмоқда.***

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БЕЛЬГИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Таъкидлаш жоизки, бу борада Бельгиянинг «VZW Reis&Opleidings» сайёҳлик компанияси фаол иш олиб боряпти. Яқинда мазкур ташкилот Фламанд сайёҳлик уюшмаси (ФСУ) томонидан Антверпен шаҳрида ўтказиладиган йиллик ярмаркада Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳияти тақдимотини ташкил этди.

Тадбирда Бельгиянинг турли бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этди. Бу йилги ярмаркада дунёнинг 25 мамлакати сайёҳлик салоҳиятига оид ахборотлар қатнашчилар эътиборига тақдим этилди. Бу ерда юртимиз учун ажратилган стендда ўзбек халқининг кўҳна тарихи ва бой маданияти, шунингдек, турли туркомпаниялар томонидан таклиф этилаётган сайёҳлик хизматлари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олди.

«VZW Reis&Opleidings» компанияси томонидан тайёрланган ҳамда халқимизнинг ўзига хос ва ноёб маданияти ҳамда анъаналарини, шунингдек, мамлакатимиз бой тарихий меросини акс эттирган ҳужжатли фильмнинг намойиши тақдимотнинг муҳим бўлагига айланди.

ФСУ директори Карел Пеетерс мазкур видеомаҳсулот Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ишланган нидерланд тилидаги илк фильм эканини таъкидлади. Унинг эътироф этишича, ярмарка доирасидаги ушбу намойиш ва тақдимот юртимизга Бельгиянинг фламанд тилли аҳоли истиқомат қилувчи қисмидан сайёҳлар оқимининг кўпайишига ҳисса қўшади.

Фильм режиссёри Гвидо Бокен ўз навбатида бельгияликларни Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий ва нодир меъморий мероси билан яқиндан таништириш ушбу фильмдан кўзланган бош мақсад эканини қайд этди. Унинг фикрича, юртимиз шаҳарлари маданият, архитектура ва санъат ихлосмандларининг ҳар қандай дидига мос тушади. «Мамлакатда сайёҳлар учун барча имкониятлар мавжуд. Бой маданий ва тарихий мерос, гўзал табиат манзаралари ва қулай иқлим, замонавий меҳмонхона ва транспорт хизматлари, малакали мутахассислар ва туризм ривожини рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий тизим ҳамда фуқароларнинг мазкур соҳада иш олиб боришга бўлган қизиқишлари шулар жумласидандир. Ўзбекистоннинг бу борадаги яна бир муҳим жиҳати – бу ўзбек халқи меҳмондўстлиги ва самимийлигидир», — деди Г.Бокен.

Бельгиянинг яна бир шаҳри — Лувенда эса «НОВО Raisen» туроператори томонидан ташкил этилган сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси иштирокида Ўзбекистон учун ажратилган миллий услубда безатилган стенд эксперт ва сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этди.

Тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари юртимиз тарихий обидалари ва маросимда намойиш этилган халқ амалий санъати намуналарига юксак баҳо берди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда «НОВО Reisen» компанияси президенти Адри Готц ярмаркага ташриф буюрувчилар муайян бир мақсад билан, яъни жорий сайёҳлик мавсумида ўзи учун дам олиш масканини танлаш ниятида келишини алоҳида қайд этди. Унинг сўзларига кўра, кўҳна ёдгорлик, қадим ва ўзига хос маданиятга бой Ўзбекистон туризм соҳасидаги истиқболли йўналишлардан биридир.

«НОВО Reisen» раҳбари мамлакатимизга жорий йил мартда ташриф буюриш учун сайёҳлар гуруҳи тўпланганини маълум қилди. Компаниянинг 2009 йил биринчи ярми учун иш режасида Ўзбекистонга бир нечта саёҳатларни ташкил этиш кўзда тутилган, зеро, юртимизни зиёрат қилиш истагида бўлган бельгиялик сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистонга уч маротаба ташриф буюрган «НОВО Reisen» компанияси вакили Франс Де Скривер бўлиб ўтган сафарлар унда унутилмас таассуротлар қолдирганини айтиб ўтди. «Мени мамлакатингиз ўрта аср бинокорлик санъати дурдоналари бўлмиш кўплаб ажойиб меъморий ва тарихий обидалари ҳамда гўзал табиат манзаралари билан ўзига мафтун этди.

Меҳмонхона ва транспорт, овқатланишни ташкил этиш, кузатувчи ва таржимонлар хизматларининг сифат даражаси ҳар бир хорижий сайёҳ учун аҳамиятлидир. Ўзбекистонда бўлганимиз чоғида биз бу ерда туризмнинг ушбу жиҳатлари ривожига катта эътибор қаратилаётганига шахсан гувоҳ бўлдик. Шу ўринда мен ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлигини, аҳолидаги ғайрат-шижоатни, шунингдек, мамлакатда ҳукм сураётган диний бағрикенгликни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим», — дейди бельгиялик эксперт.

**А.МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Брюссель**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг «Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш — прокуратура органлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Самарқандда Наврўз умумхалқ байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Қалбимда Ватан мадҳи» эстрада хонандалари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

● **Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қошида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Бу ерга Украинанинг Донецк ва Херсон вилоятларидан 135 бош «Қизил чўл» зотли бузоқлар келтирилди. Тез орада хўжалик яна 115 бош зотли сигирларга эга бўлади.**

● **Деҳқонобод туманидаги Бешбулоқ қишлоғида янги болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёпиқ спорт зали, тренажёрлар хонаси, катта футбол майдони ва югуриш йўлакларидан иборат мажмуада Янги йилнинг дастлабки кунларида миллий кураш ва Шарқ яккакураши гуруҳларида машғулотлар бошланди.**

● **Андижонда 150 ўринли «Ёшлар» номли ёшларга мўлжалланган кафе фаолият бошлади. Унда турк ва Европа ошхонасининг тажрибали усталари фаолият кўрсатмоқда.**

● **Яккабоғ туманидаги Жарқирғиз қишлоғида «Грант-кварц» корхонаси ишга тушди. Мазкур корхонада асосан пишиқ ғишт ишлаб чиқарилаётган бўлиб, Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган замонавий дастгоҳлар бир кеча-кундузда 35 минг донагача ғишт тайёрлаб бериш қувватига эга.**

● **Андижон шаҳрининг Бобур боғида янги обсерватория иш бошлади. Мазкур қурилма Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия илмий-текшириш институти, Бобур халқаро жамғармаси ҳамда Андижон Давлат университети ҳамкорлигида бунёд этилди. Обсерватория Фарғона водийси вилоятларидаги олий ўқув юртларининг математика ва астрономия факультетларида таҳсил олаётган талабалар ҳамда фалакиёт илмига қизиқувчи ёшларнинг коинот сирларидан воқиф бўлишида муҳим аҳамиятга эга.**

● **Қўнғирот туманининг Олтинкўл овулида «Қўнғирот брезент» фабрикаси очилди. Натижада Қўнғирот қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг 125 нафар битирувчиси иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Москвада Россия ва Украина мамлакатлари Бош вазирлари Владимир Путин ва Юлия Тимошенко иштирокида «Газпром» ҳамда «Нафтогаз Украини» компаниялари раҳбарлари Россиядан Украинага газ етказиб бериш ва Россия газини Украина орқали Европага транзит қилиш масалалари бўйича шартномани имзолашди. Ҳар иккала шартнома ўн йиллик муддатга мўлжалланган. Айтиш керакки 2010 йил 1 январдан Россия гази нархлари унинг Украина ҳудуди орқали транзити каби Европа қийматида бўлади.**

● **Бугун АҚШнинг 44-Президенти Барак Обаманинг инаугурация маросими бўлиб ўтади. 150 миллион долларлик маблағ сарф этилаётган мазкур тадбир Америка тарихидаги энг қимматга тушган тақдимот маросими ҳисобланмоқда. Унда 4 миллионга яқин меҳмонларнинг қатнашиши мўлжалланаётган бўлиб, 30 минг нафар ҳарбийлар иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлайди.**

● **Марказий Африка Республикаси Президенти Франсуа Бозези ўтган якшанба куни ҳукуматни тарқатиб юборди. Шу тўғридаги Президент фармони радио орқали ўқиб эшиттирилди. Бозези унга изоҳ бермади, лекин яқин орада янги ҳукумат тузишини маълум қилди.**

● **Кеча жаҳон биржаларида ўтказилган савдоларда нефт нархининг бир оз пасайганлиги кузатилди. Хусусан, Лондон савдо биржасида бир баррел нефтнинг нархи 43,80 доллар миқдорида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда эса бу кўрсаткич 34,53 долларни ташкил этди.**

● **Хитойда парранда гриппи хасталигига чалинган яна бир киши аниқланди.**

● **Кеча Москвада таниқли адвокат Станислав Маркелов ёлланма қотил томонидан ўлдириб кетилди.**

● **Шри-Ланка ҳукумати 25 йил давомида «Тамил-Илам озодлик йўлбарслари» айирмачилик ташкилотининг асосий таянч нуқтаси бўлган Жафна ярим оролининг тўлиқ Шри-Ланка армияси назорати остига ўтганини маълум қилди.**

● **Мисрнинг Кердасса қишлоғида истиқомат қилувчи икки ёшли қизалоқда инсон ҳаётига хавф солувчи парранда гриппи вируси мавжудлиги аниқланди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра 2008 йилда бу ерда парранда гриппи вируси билан касалланганлар сони 60 тага етган.**

● **Швецияда илк бор «Боинг — 747» самолёти негизида меҳмонхона очилди. Барча шарт-шароитлар яратилган мазкур ғаройиб меҳмонхонада 25 та хона мавжуд.**

# ТАДБИРКОР

**СИФАТЛИ ХОМ АШЁДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, БОЗОРБОП ТОВАРЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ТОРТИҚ ЭТИШ, БУЮРТМАЧИ ТАЛАБИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИБ, БУЮРТМАЛАРНИ ТЕЗ ВА СОЗ БАЖАРИШ, АЛБАТТА КОРХОНА НУФУЗИНИ ОШИРАДИ, БОЗОРДАГИ ЎРНИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ.**



*Кичик бизнес*

## ҚУЛАЙ, БЕЖИРИМ, СИФАТЛИ

«NURAFSHON NUR» ишлаб чиқариш хусусий корхонаси учун ўтган — 2008 йил баракали келди десак, асло муболаға бўлмайди. Корхона тадбиркорлари жуда кўплаб корхона ҳамда ташкилотларнинг буюртмаларини муваффақиятли адо этиб, соҳа ходимлари учун қулай, бежирим ва сифатли униформалар тайёрлаб беришди. Бу борада, албатта корхонанинг моҳир дизайнери Ильмира Султованинг изланишлари яхши самара берди. У яратган турли моделдаги иш кийимлари буюртмачиларни мамнун этди. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловида Учтепа тумани бўйича «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритиб 1-ўринга сазовор бўлган ҳамда танловнинг пойтахт босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси ғолиблигига эришган корхона раҳбари Муҳаббат Тошмуҳамедова ишлаб чиқаришга илғор технологиялар ва замонавий дастгоҳларни жорий этишга, ёшларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида малакасини оширишга катта эътибор қаратди. Шу мақсадда ўтган йилда Хитойдан янги тикув дастгоҳлари келтирилиб цехларга ўрнатилди.

— Аввало хусусий тадбиркор сифатида ўз фаолиятимни йўлга қўйган бўлсам, 2007 йилда имкониятларимдан келиб чиқиб ва юртимизда тадбиркорликка қаратилган юксак эътибордан фойдаланган ҳолда хусусий фирма очишга муваффақ бўлдим, — дейди Муҳаббат Тошмуҳамедова. — Қисқа



давр ичида изланишларимиз натижасини кўрсата бошлади. Бунинг учун эса тинмай ҳаракат қилдик, янги-янги буюртмачиларни жалб этар эканмиз, сифатга эътибор қаратдик, уларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олдик. Шу боис ҳам бугунги кунга келиб тайёрлаётган махсус иш кийимларимиз турлари 1000 хилдан ортиб кетди. Чеварларнинг эса энг моҳирларини танлаб оламиз. Ёшлар йилида эса бир нечта касб-ҳунар коллежини битирган ёш қизларни тажрибали тикувчиларимиз шогирдликка олишди. Натижа кутилганидек бўлмоқда. Уларнинг маҳоратлари ортиб боряпти, сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. 2009 йилда нафақат ички бозорда, балки хориж давлатларидан ҳам буюртмаларни қабул қилган ҳолда ташқи бозорда ҳам маҳсулотларимиз харидоргирлигини оширишни режалаб турибмиз.

Ўтган йилда «Каттақўрғон ёғ-мой комбинати», «Тошшаҳарнур», «Габус-5», «Тошкент шаҳар электр тармоқлари идораси» сингари корхона ва ташкилотлар қаторига «Шўртангаз» кимё мажмуаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг авария-тиклаш бошқармаси, «TOSHAFUS» қўшма корхонаси кабилар ҳам қўшилди. Ўтган йилги тендерда ғолиб топилган хусусий корхона «Шўртангаз» кимё мажмуаси ходимлари учун 5000 тага яқин униформа тайёрлаб берди.

Албатта, жорий йилда ўтган йилдаги муваффақиятларни мустаҳкамлаш, янгиликлар яратиш, буюртмаларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш баробарида юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиш асосий мақсадлар сирасига киради. Янги йилни корхона тадбиркорлари янги буюртма билан бошлашди. Улар ҳозирда Сурхондарёдаги «Мирзачўл» давлат унитар корхонаси ходимларига иш кийимлари тикишмоқда. Шунингдек, «Абу Сахий» фирмасининг ҳам буюртмалари муваффақиятли бажарилмоқда.

Янги буюртмачиларни жалб этиш мақсадида эса моҳир дизайнерлар замонавий, ҳар бир соҳа ходимининг иш фаолиятини ҳисобга олган ҳолда янги моделлар яратишмоқда. Шунингдек, маҳсулот сифати ва кўринишининг бугунги талабларга тўла мос келишига эришиш ниятида жорий йилда лизинг асосида нақш тушириш ускунаси ҳам келтирилади.

— «Ташаббус» кўрик-танлови, албатта тадбиркор ва ҳунармандларни рағбатлантириш баробарида уларни элу юртга танитадиган, машҳур этадиган, изланишлар сари чорлайдиган тадбирдир, — дейди Муҳаббатхон фахр билан. — Шу боис ҳам «Ташаббус — 2009» кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кўраяпмиз. Унда ўтган йилги муваффақиятларимиз билан бирга жорий йил режаларимизни намойиш этамиз. Мақсадимиз танловнинг шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида эса пойтахт шарафини ҳимоя қилишдир. Ниятимиз йўлида қизғин изланаяпмиз, агарда у рўёбга чиқса, бу жамоамиз аҳлининг азим Тошкентимизнинг 2200 йиллик тўйига муносиб тұҳфаси бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона чеварлари буюртмаларни тез ва сифатли адо этишмоқда.**

*Ҳунари гўзаллар*

## ЖИЛОСИ ЎЗГАЧА

**МОМОЛАРИМИЗ ҲУНАРИНИ ЭЪЗОЗЛАБ, ЭЛГА ТАНИЛАЁТГАН ЁШ ВА ИҚТИДОРЛИ ДИЛДОРА АВЕЗОВА ЭНГ МОҲИР ПОПОПЧИ УСТАЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛГАН.**

Унинг яратган миллий попопчилик буюмлари нафақат ички бозорда харидоргир, балки хорижий сайёҳлар томонидан ҳам эътирофга лойиқ топилмоқда. Дилдора тиккан ҳар бир буюм ва либосда миллий каштачиликнинг нафосат ва гўзаллиги, ранглар жилоси акс этиб турадики, ундан диллар баҳра олади.

Шу боис бўлса керак, ёш попопчининг меҳнат ва изланишлари турли кўрик-танлов, ярмарка ва кўргазмаларда муваффақият қозонмоқда. Чунончи, ўтган йил Дилдора Авезова учун ниҳоятда самарали келди. У Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг пойтахт босқичида «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди. Мамлакат миқёсида пойтахт шарафини ҳимоя қилган ёш ҳунарманд «Энг яхши ёш тадбиркор» номинацияси ғолиблигини қўлга киритиб, қимматбаҳо совғаларга эга бўлди. Шунингдек, Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси ва «Осиё рамзи» модельерлар уюшмаси биргаликда уюштирган «Болажонлар — ширинтойлар» болалар модаси фестивалида диплом билан тақдирланди.

— Бундай рағбатлар мени ниҳоятда ғурурлантиради, — дейди Дилдора Авезова. — Шундан мамнунманки, мустақил диёримизда ёшларнинг билим олиб, ҳунар эгаллашлари, етук мутахассислар қаторида бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, ҳунарманд усталарга берилган имтиёзлар, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор сафларимиз кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз билан замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда ҳунармандчилик ашёлари, турли дизайндаги либослар яратар эканман, уларнинг санъат даражасида бўлишини истайман. Мақсадим миллий ҳунармандчилигимиз довруғини жаҳонга ёйишдир.

Дилдора болалигидан устозлари ва онаси Замира Авезова ёрдамида попопчилик сирларини тинмай ўрганди ва ҳозирда ҳам ўрганмоқда. У ушбу йўналишнинг унутилган 6 та нусхасини қайта тиклаб, такрорланмас либосларни яратди. Каштачиликнинг танбур йўналишида ранг-баранг нақшлар ишламоқда.

Зулфия мукофоти совриндори бўлган, омади кулган Дилдора Авезова жорий йилда ҳам ўзининг бетакрор кўринишга эга бўлган, турфа ранглар жилосини мужассамлантирган миллий каштачилик буюм ва либосларини яратиб, харидорларни хушнуд этиш ниятида. Шунинг баробарида у ёш бўлишига қарамай шогирдлар ҳам тайёрламоқда.

## ИҚТИДОР ЭГАСИ

**ЁШЛИК ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИ, БИЛИМ ВА ИҚТИДОРИ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР ОРАСИДА ФАЙЗУЛЛА ЮСУПХЎЖАЕВНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР, АЛБАТТА.**

Бу муваффақиятга ёш уста, иқтидорли ёғоч ўймакори Файзулла ўз интилишлари, ота-боболари ҳунарига меҳр-муҳаббати, устозлар ўгити ва маслаҳатларига амал қилиши боис эришмоқда.

Пойтахтимизда миллий ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги йўналиши хусусида гап кетганда Юсупхўжаевлар сулоласи, албатта, ёдга олинади. Чунки кўп йиллардан бери мазкур ҳунар аждоддан авлодга ўтиб келмоқда. Файзулла ҳам ота-боболари, тоғалари ва акаларининг изидан бормоқда. У яратаётган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларининг турлари хилма-хил. Ушбу буюмларни яратар экан Файзулла аввало ижодий изланади, эскизлар устида тинмай ишлайди. Агарда тушунмовчилик бўлса, маслаҳат ёки кўрсатмаларни устозлари — тоғаси Акмал Азларов ёки акаси Фахриддиндан олади.

— Асосан оддий ускуналардан фойдаланиб қўл меҳнати асосида ишлаймиз, — дейди «Хастимом» мажмуасидаги «Бароқхон» мадрасаси устахонасида фаолият кўрсатаётган Файзулла Юсупхўжаев. — Албатта, ёғоч ўймакорлиги буюмларини яратар эканмиз, буюртмачи талабидан ҳам келиб чиқамиз. Шунингдек, ўзимиз ижодий изланган ҳолда турли буюмларни яратамиз, нақшларда эса ҳаётга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат уфуриб туришини истаймиз. Менинг ўзим мамлакатимиздаги кўплаб ярмарка ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этаяпман. Бу ижодий ўсишимда катта ёрдам бермоқда. Ахир бежизга рағбат муваффақиятлар гарови дейишмайди-ку. Жумладан, ҳар йили анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловида янги ишланмаларим, режаларим билан фаол иштирок этаман. Ўтган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Ҳамза туман босқичида 1-ўрин соҳиби бўлганим буни яққол тасдиқлаб турибди.

Файзулла бугунги кунда бир нечта шогирдлар ҳам тайёрламоқда. Улар устозларининг энг яқин ёрдамчилари саналади. Ўтган йилни муваффақият билан якунлаган ёғоч ўймакори, бугунги кунда янги эскизлар устида ишламоқда. Ҳунарманд уста пойтахтимизнинг жорий йилда нишонланадиган қутлуғ тўйига муносиб совға ҳозирлашни ният қилган.

**Дилноза СОДИҚОВА**

**БУГУНГИ КУНДА ЖОЙЛАРДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЖИҲОЗЛАНГАН ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ, ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЧУНКИ БУНИНГ АСОСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ ҲАМДА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШГА ЭРИШИЛАДИ.**



## ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Шунингдек, бундай корхоналарда тайёрланган рақобатбардош маҳсулотлар фақатгина ички бозорда импорт товарлари ўрнини босибгина қолмай, халқаро стандартларга мослиги билан ташқи бозорда ҳам харидорларни жалб этмоқда.

Ана шундай корхоналардан бири «ARCTESH TECHNOLOGY» хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамияти Туркия давлатидаги «ARCTESH» компанияси томонидан республикамизга киритилган инвестициялар туфайли бунёд этилди ва унинг цехлари юксак унумли хорижий технологик линия ва дастгоҳлар билан жиҳозланди. Кўзда тутилган лойиҳанинг биринчи босқичига кўра компания томонидан 30 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Натижада ўтган йилдан бошлаб мазкур корхонанинг пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.



Шуни таъкидлаш ўринлики, бунёдкорлик ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида импорт ўрнини босадиган ушбу маҳсулот корхонада йилига 16 минг тонна ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда ушбу цехда 43 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишига эришилмоқда.

— Шунингдек, корхонамизда жорий йилда лойиҳада кўзда тутилган пайвандлаш симлари ҳамда пайвандлаш аппаратлари ишлаб чиқариш цехини ҳам ишга тушириш кўзда тутилган, — дейди корхона менежери Камолиддин Илёсов. — Тайёрланган маҳсулотлар сертификатланган бўлиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Замонавий технологик жиҳозлар келтириб ўрнатилган мазкур цехларнинг ишга тушиши натижасида ишчи-хизматчилар сони 120 нафарга етади. Ҳозирги кунда мазкур цехларда меҳнат қиладиган ишчилар ўқитилиб, етарли малакага эга бўлишди. Улар корхона қошида ташкил этилган 3 ойлик курсда таҳсил олишиб, махсус сертификатларга эга бўлишди.

Мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилган қулай инвестицион муҳит компания тадбиркорларига қўл келмоқда. Шу боис ҳам жорий йилнинг 2-чорагида яна бир янги лойиҳа бўйича иш бошланади. Мазкур лойиҳага кўра Туркия техникаси билан жиҳозланган янги цехда турли узунликдаги мих ҳамда сим сеткалар ишлаб чиқарилади. Албатта, шу асосда янги иш ўринлари ҳам очилади.

Корхонада тайёрланаётган ва ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган маҳсулотлар авиасозлик, машинасозлик, темир йўл транспорти, бунёдкорлик ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кенг қўлланилади. Шунингдек, рақобатбардош товарларни Афғонистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон сингари давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган. Шу ўринда айтиш лозимки, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган мазкур корхона ҳозирда Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Корхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, яна бир кўзда тутилган лойиҳага кўра, республикамизда кейинги йилларда иккинчи заводни барпо этиб, ишга тушириш режаланмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: сифатли ва рақобатбардош товарларни буюртмачиларга етказиб беришда цехларга ўрнатилган замонавий технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланилмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛАДИ?

**Мустақил диёримизда тадбиркорлар сафи ортиб бормоқдаки, боиси улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Келгусида менинг ҳам асосий мақсадим тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз бизнесимни ташкил этишдир. Шу боис ҳам ҳозирда иқтисодий билимларимни олий ўқув юртида ошириб боряпман. Лекин биргина билимнинг ўзи тадбиркор бўлиш учун кифоя эмаслигини жуда яхши биламан. Тадбиркор яна қандай талабларга жавоб бериши керак?**

**Улуғбек Баширов, талаба**

Тадбиркор бўлиш осон эмас. Унинг ўзига яраша меҳнат ва машаққатлари борки, уларни матонат билан енгишга тўғри келади. Тадбиркор бир қатор талабларга жавоб бериши керак, чунки у ўз навбатида раҳбар ҳамдир. Бугунги пайтда эса раҳбарлар қондириши керак бўлган талаблар жуда кўп.

Улардан бири сиз айтган билим даражаси бўлиб, тадбиркор раҳбар аниқ, чуқур ва кенг билимга эга бўлиши, уни доимо тўлдириб ва янгилаб бориши зарур бўлади. Акс ҳолда эса у обрў қозона олмайди ва ходимлар ишончига эришмайди. У иқтисодиётни билиши, техника ва технологияни ўзлаштириши, бошқариш илми, функциялари ҳамда тузилмасини тушуниши, истиқболни кўра олиши керак.

Шунингдек, яна бир асосий талаб маънавий етуклик ҳисобланади. Бунга сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий етук бўлиш, юқори савия ва онглилик, маърифатпарварлик, маданиятлилик, принципиаллик, ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қодирлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, танқидга чидамли бўлиш ва бошқалар киради.

Интизом ва меҳнатга бўлган муносабат, ташкилотчилик қобилияти, бошқариш самарадорлигини таъминлай олиш каби талаблар ҳам ана шулар жумласидандир. Шунингдек, тадбиркор ўз обрўсига путур етказувчи унсурларни англай билиши ва улардан қочиши лозим.

*Иқтисодиёт*

## ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ КИЧИК БИЗНЕС ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА. АЙНИҚСА, ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ БЎЛМОҚДА.**

Пойтахтимизда ўтган йили фаолиятини бошлаган «BARAKA» хусусий корхонаси жамоаси ҳам йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Мазкур корхонанинг ишчан раҳбари Адолат Маъдиева ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига қаратилаётган эътибордан, берилган ҳар бир имкониятдан ўрнида фойдаланганй ҳолда меҳнат қилиб, ҳозирда 10 нафар фуқарони янги иш жойлари билан таъминлади.

Жамоа аҳлининг тайёрлаётган сифатли нон ва қандолат маҳсулотларининг харидоргирлиги таъминланмоқда. Ҳозирда 17 турдаги хуштаъм булочка, пирожний, вафли, печенье ҳамда пряниклар ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилади. Цехларда ўрнатилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг унумли новвойхоналари, дастгоҳ ва ускуналар қандолатпазларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам хусусий корхона тадбиркорлари харидор хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган маҳсулот турларини кўпайтиришни эзгу мақсад қилишган ҳамда ширинликлар сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

## ОТА КАСБИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

**КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ЗАРГАРЛИК, КУЛОЛЧИЛИК, ЗАРДЎЗЛИК, НАҚҚОШЛИК, ЛОК МИНИАТЮРАСИ, ГИЛАМДЎЗЛИК, ЁҒОЧ ВА ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИГИ КАБИ КЎПЛАБ ГЎЗАЛ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТУРЛАРИНИ АСТОЙДИЛ ЎРГАНАЁТГАН КЎПЛАБ ЁШЛАР АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИНИ АЛОҲИДА МЕҲР-МУҲАББАТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАНЛАРИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.**

Бир-бирини такрорламайдиган, замонавийлик билан анъанавийлик ўзаро уйғунлашган кулолчилик маҳсулотлари — кўза, гултувак, устунларга ишланган антиқа безаклар, совғабоп манзарали лаган, ликобча каби жуда кўп турдаги гўзал, экологик тоза сопол буюмларнинг ноёб санъат асари даражасига етказилганлигини кўриб, кўзлар қувнайди. Уста-ҳунарманд Воҳиджон Мамажоновнинг мазкур кулолчилик ҳунарини миридан сиригача эгаллаганига амин бўласиз.

Отаси — Маҳмуд ота Мамажоновнинг касбини давом эттираётган уста жуда ёшлигидан кулолчиликни жони дилидан севиб, машаққатларидан сира чўчимай, қунт, сабр-тоқат билан ижодий меҳнат қилиб келмоқда. Эътиборли томони, ҳунарманд уста доимий изланишда, у янгиликка ўч, ташаббускор бўлиши билан бирга, тарихимизни яхши билади, унга меҳр билан ёндошади. Шунингдек, Воҳиджон устоз сифатида уста-шогирд йўналишида кўплаб иқтидорли, қизиқувчан ёшларга гўзал ҳунарининг сир-асрорларини эринмай ўргатмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Транспорт*

## МАРКАЗГА ЯНГИ МАҚОМ

**БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДА «МЕРСЕДЕС БЕНЦ» РУСУМЛИ АВТОБУСЛАРНИНГ ЎРНИ КАТТА БЎЛМОҚДА.**

Замонавий кўриниш, ҳайдовчилар учун бошқарув тизими қулайлиги билан ажралиб турган «Мерседес»ларга техник хизмат кўрсатиш учун мустаҳкам негиз яратишда автобусларга сервис хизмати кўрсатиш марказининг фаолияти янада кенгайиб бормоқда. Ҳозирда марказ «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси таркибидаги 3 та автосарой билан алоқа боғлаган. Таъмирлаш цехи эса 6 та бригададан ташкил топган. Бу ерда созловчилар техник нуқсонларни бартараф этишга эришмоқдалар.

Кенг кўламли намунали хизмати учун марказга «Эво Бус» немис фирмасининг Ўзбекистондаги «Авторлашган сервис устахонаси» мақоми берилди.

## КЎПЛАБ РАДИАТОРЛАР ОЛИНДИ

**«МЕРСЕДЕС-БЕНЦ» АВТОБУСЛАРИ ШАҲРИМИЗДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ОРАСИДА АСОСИЙ ЎРИН ТУТМОҚДА. УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА КЎРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА КЎПЛАБ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР ХАРИД ҚИЛИНМОҚДА.**

Бу автобуслар учун 100 та комплект радиатор олиб келинди. Бунинг учун «Қарширадиатор» корхонаси билан шартнома тузилди. Германиянинг «Равинал» фирмаси эса шаҳар транспортини антифриз суюқлиги билан таъминлайди.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш жоизки, «Мерседес-Бенц» автобусларига Германиядан ҳам радиаторлар олинади.

## ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ПАРКЕНТ КЎЧАСИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЛТИНТЕПА КЎЧАСИДАГИ ТРАМВАЙ ОХИРГИ БЕКАТИДА МОНТАЖ ИШЛАРИ АДО ЭТИЛДИ.**

Мирзо Улуғбек туманидаги Феруза кўчасида трамвай йўллари ва уланиш тармоқлари қайта тикланди.

Бу каби бунёдкорлик ишларини амалга оширишда «Тошметрополитен» давлат унитар корхонасининг «Йўл хизмати» жамоаси яқиндан ёрдам берди.

Янги рельс-шпал тўсиқларини тайёрлашда ҳам фаоллик кўрсатилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ БАНКЛАРИ ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА БЎЛГАН ИШОНЧИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, ДАВЛАТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БАНКЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ТОБОРА ОШМОҚДА. БУ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ, ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАНИНИНГ САМАРАЛАРИДАНДИР.**

Мавжуд қонунчилик асосида аҳолининг тижорат банклари омонатларига жалб этилаётган эркин пул маблағлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилгани, депозит ҳисобварақларига қўйилган пул маблағлари чекловларсиз тасарруф этилиши белгилангани, банк сири кафолатлангани аҳолининг бу тизимга ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш имконини бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи бўлиб хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 октябрда қабул қилинган "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳам аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, банк-молия хизматлари сифатини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан маълум қилишларича, 2008 йилда тижорат банклари томонидан аҳоли учун қулай кўплаб янги омонат турлари жорий қилинди, банк хизмати кўрсатиш сифати ва самарадорлиги янада ошди. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йили банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми 1,7 марта кўпайди.

Ўзбекистон банклар Ассоциациясида Президентимизнинг мазкур қарори асосида эълон қилинган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклар Ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси, тижорат банкларининг раҳбарлари иштирок этди.

"Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки" номинациясида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ғолиб деб топилиб, Президент соврини – "Nexia" автомашинаси билан тақдирланди. "Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банк филиали" – "Асака" акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти бўлими, "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банк филиали" – "Пахта банк" акциядорлик тижорат банкининг Чуст филиалига Президент соврини – "Damas" автомобили топширилди.

Ёшлар йилида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор самарали банк хизматларини жорий этган "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки "Миллий валютада энг яхши жамғарма депозити" номинациясида ғолиб топилди.

Шунингдек, аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича энг яхши мини- банк, жамғарма махсус ғазнаси, йилнинг энг яхши ғазначиси, банк фахрийси, энг яхши муддатли депозит ва бошқа йўналишдаги номинациялар ғолиблари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу танлов мамлакатимизда банк-молия тизимини ривожлантириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки" номинацияси ғолиби – "Ўзсаноатқурилишбанк" Қашқадарё вилояти филиали "Китоб" мини-банки бошқарувчиси Отабек Юсупов. – Қишлоқларда банк хизматларининг кенг жорий этилаётгани аҳоли учун катта қулайлик яратмоқда. Мини-банкимиз мижозлари сони 2008 йилда икки баравар ошгани ҳам бунинг далилидир. Бу мамлакатимизда аҳолининг банк хизматларига ишончи ва талаби ошаётганидан, тадбиркорлик ва кичик бизнес дадил ривожланаётганидан далолатдир. Бундай хайрли ишлар 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам изчил давом этади.

**Хусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ

**ЮРТИМИЗДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШДА, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ШУ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА МАХСУС ДАСТУР АСОСИДА ФАОЛ ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛАЁТИР.**

Хусусан, ўтган йилнинг август ойида ташкил қилинган Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолияти ҳам жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, экологик тизимни барқарорлаштириш ва таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитасининг навбатдаги анжумани 2008 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда жорий йилда бажарилиши кўзда тутилаётган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Серқуёш Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич ери олтинга тенг. Уни асраб-авайлаш, ундан унумли фойдаланиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шундай экан, она табиат ва унинг мусаффолигини асраш, аҳолининг экологик маданиятини янада ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятининг худди шу мақсадларга қаратилганлиги ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини янада оширди, десак муболаға бўлмайди.

Тадбирда таъкидланишича, Экологик ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини самарали ташкил этишда биринчи навбатда минтақавий бўлимлар фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек атроф-муҳит муҳофазаси, аҳоли саломатлиги масалаларини самарали ҳал этишда халқаро ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати жорий йилда қишлоқ ҳудудларига эътиборни кучайтириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирмоқда.

Анжуманда мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли вазифалар босқичма-босқич, изчиллик билан амалга ошириб келинаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, глобал экологик муаммолар кескинлашаётган бугунги кунда табиий муҳит ва инсон саломатлигини сақлаш бу ишларга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш масалалари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ТОШКЕНТДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР АХБОРОТ ТАҲЛИЛ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН «МАКТАБ, МАҲАЛЛА, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партия вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари иштирок этди.

Юртимизда ёшларни ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келинаётир. Жумладан, ўтган 2008 йилни Ўзбекистонда "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги ҳам бу борадаги ишлар давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми эканини кўрсатади. Ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини тўлақонли англаса, ҳаёти давомида дуч келиши мумкин бўлган турли муаммоларни қонун йўли билан ҳал этишга эришади. Айтиш мумкинки, мактаб, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг биргаликдаги фаолияти ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликнинг нисбатан камайишига олиб келади.

Тадбирда таъкидланишича, 2008 йил якунларига кўра, вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар 2007 йилдагига нисбатан кескин камайган. Бу ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни йилдан-йилга юксалиб бораётганидан далолат.

Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда турли кўрик-танловларнинг ҳам ўрни беқиёс. Улар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Сиз қонунни биласизми?", "Конституция – бахтимиз қомуси" каби танловлар шулар жумласидандир. Қувонарлиси, ёшларнинг мазкур танловларга бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда. Йиғилишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрни ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Ёшларнинг ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таълим савиясини ошириш чора-тадбирлар тизимини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шарти эканлиги қайд этилди.

**"Туркистон-пресс"**



## Кўргазмалар

# САНОАТ ҚУРИЛМАЛАРИ ФОТОЛАВҲАЛАРДА

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА КУНИ КЕЧА ОЧИЛГАН ЯНГИ ФОТО КЎРГАЗМА «ФЁДОРОВ КОНСТРУКТИВИЗМИ» ДЕБ НОМЛАНГАН.**



Мазкур кўргазмада тошкентлик фотожурналист Ф.Фёдоровнинг 1934-1937 йиллар давомида саноат қурилмаларининг қурилиш жараёнини акс эттирувчи фотолавҳалари намойиш этилган. Фёдоров ижоди фото санъати ихлосмандлари орасида машҳурликка эришмаган. Унинг юқори бадиий қимматга эга бўлган ҳужжатли фото суратлари санъатшунос ва тарихшунос олимларнинг диққат марказидан жой олгунга қадар ярим асрдан ортиқ давр мобайнида Ўзбекистон Давлат ҳужжатли кино ва фото архивида сақланиб келинган.

Фотожурналист яшаб ижод қилган давр индустриал-психологик фотографиясининг гуллаб-яшнаган палласига тўғри келади. Ўша даврда ўз ижодий фаолиятларини оммавий ахборот воситалари билан боғлаган фотографлар М.Пенсон, Г.Зелма, А.Шайхет ва Б.Худоёров асосий эътиборни жамиятнинг «қайта қурилишида» муҳим рол ўйнаган саноат иншоотларидаги қурилиш ишларини суратга олиш орқали шуҳрат қозонганлар. Уларнинг фотолавҳаларида инсон яратган металл конструкциялар, баҳайбат машиналар ва улар ёрдамида содир этилаётган атроф-муҳитдаги эврилишлар муҳрланган.

Шуни таъкидлаш керакки, ХХ аср 20-30-йиллар санъатида конструктивизм услуби ҳукмронлик қилган. Шу сабабдан Ф.Фёдоровнинг фотосуратларидаги конструктивизм оҳанглари устуворлиги асослидир. «Ғишт заводининг печи», «Гидроэлектростанция тўғонининг ювиш галереялари» каби асарларда йирик ҳажмдаги трансформаторлар ўзига хос қисқаришда суратга олинган. Юқорида келтириб ўтилган суратларга қарама-қарши характердаги «Дарё бўйида жойлашган уй» фото асари орқали муаллиф Чирчиқ шаҳрини индустриаллаштириш қандай гўзаллик эвазига амалга ошаётганлигига ишора қилади. Ф.Фёдоров асарларида циклопик қурилмаларнинг гавжумлигига қарамасдан улардаги асосий қаҳрамон инсондир. Тўғридан-тўғри инсон гавдаси иштирок этмайдиган суратларда ҳам барча техник жараён инсон томонидан бошқарилаётганлиги маълумдир. Кўргазмани кузатар экансиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**
**Алексей Попов олган суратлар**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Тунов куни қўшним шикоят қилиб қолди.

— Кеча электримиз ўчиб, туни билан ёнмади. Телевизорда яхши эшиттириш бор эди, кўролмадик. Болалар дарс тайёрлашолмади. Эрталаб қоронғуда зўр-базўр соқол олдим.

Ундан сўрадик.

— Ўзингиз электр ҳақини вақтида тўлайсизми?

Бу сўздан қўшнимнинг энсаси қотди.

— Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз. Электрнинг ўчишига мен унинг ҳақини тўлаш-тўламаганлигимнинг нима дахли бор.

— Дахли бор, биродар. Энергия ҳам пул. Ахир ўз вақтида ҳақини тўламасангиз, электр таъминотида ҳам узилиш бўлиши табиий. Чироғим ҳамиша ёниб турсин десангиз, ҳақини ўз вақтида тўлаб туринг.

Қўшним бу сўзимни қанчалик тўғри тушунди, билмадим. Ҳар қалай бунақа «ўзи ёқадию, пули чақади» кабиларнинг қулоғига тез-тез қуйиб турган яхши-да. Оз бўлса-да, барибир ўзига тегишли хулоса чиқаради.

Бундан уч-тўрт кун муқаддам кўп қаватли уйда яшовчи яқин бир қариндошимизникига меҳмонга бордик. Совуқдан иссиқ уйга киришимиз билан баданимизга иликлик югурди.

— Яхши, уйингиз иссиқ экан. Газ босими яхши бўлса керакда? — сўрадик гап орасида хонадон эгасидан.

— Ҳар қалай чидаса бўлади, — деди у. — Бунинг устига қиш бўлди дегунча газ плитасини кеча-кундуз ёқиб қўямиз. Ўшанинг иссиғи билан уйимиз, йўлагимиз анча-мунча исиб туради. Бизнинг пастимизда яшовчилар ҳамиша газ босимининг камлигидан, уйи яхши исимаётганлигидан шикоят қилишади. Мен уларга ўз тажрибамни гапирсам, унда газ исроф бўлади-ку», дейишади. Ҳой инсон, исроф бўлиши билан сенинг неча пуллик ишинг бор. Ундан кўра ўзингни ўйласангчи, дейман. Битта сен газ плитасини ёқиб қўйганинг билан давлатнинг гази камайиб қолармиди, дейман.

Юз амри иссиқ. Олдинига хонадон соҳибининг сўзларини индамай эшитиб ўтирдик. Охири чидолмай унга гап қотдик.

— Сиз газ плитасини кечаси билан ёқиб чиқсангиз, мен ёқсам, қўшни ёқса, биздан ибрат олиб бошқалар ёқса, албатта газ босими камайиб кетади-да.

— Ой сари пулини тўлаб турибмизку, ҳақини тўлагандан кейин хоҳлаганча ундан фойдаланаверамизда, — деди у қизишиб.

— Ҳақини тўлаяпман, шунинг учун керагича исроф қилавераман десангиз янглишасиз. Ҳамма нарсанинг уволи бор биродар. Қолаверса биз ортиқча исроф қилсак, бундан бошқаларга зиён-заҳмат етади. Бизнинг газ плитамиз кеча-кундуз беҳуда ёниб ётса, қўшнимизнинг плитасига газ аранг етиб боради. Бизнинг уйимиз меъёридан ортиқ иссиқ бўлса, бошқа хонадонлар зўр-базўр исийди. Сабаби ҳамма нарсада меъёр, ўлчов бор. Сиз билан бизнинг хонадонимизга бериладиган газ ҳам бундан мустасно эмас.

Хонадон соҳиби ўйланиб қолди.

Туман газ таъминотида ишлайдиган бир ошнам бор. Ўша билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. Яқинда у куйиниб, бир воқеани айтиб берди.

Менга қарашли ҳудудда яшовчилар орасида бой-бадавлат хонадонлар кўп. Агар уйларида газ босими бироз камайиб қолса дарҳол корхонамизга сим қоқиб, биз билан ҳуқуқ талашишади. Устимиздан юқори ташкилотларга шикоят қилишларини айтиб, дағдаға қилишади. Лекин газ ҳақини тўлашга келганда галга солишгани солишган. Ҳатто ярим йиллаб қарзга ботиб ётганлари ҳам бор. Ўзлари шоҳона ҳаёт кечириб, қўша-қўша машиналарда юришадию газ ҳақини сўрасангиз ҳали ойлик маош олмаганлигини айтиб, бизни мот қилмоқчи бўлишади.

Яқинда бир хонадонда бўлдик. Каттагина иссиқхонаси бор. У ерга бекитиқча газ киритиб олибди. Газ қувурини иссиқхонага қаердан киритганини унчамунча одам сезмайди. Биз ҳам қидириб, аранг топдик. Қаранг, уйининг ертўласи орқали чуқур кавлаб, ер тагидан иссиқхонага газ ўтказибди-я. Кейин билсак, у бир неча йилдан бери иссиқхонасини шу йўл билан иситар экан. Қилмишини яшириш учун қўлбола печка қуриб, унинг атрофига озроқ кўмир тушириб қўйибди. Ўша куни ҳам сири фош бўлгунга қадар бизга иссиқхонасини кўмир билан иситишини исботламоқчи бўлди. Лекин бу сафар ҳийласи ўтмади.

Биз бу ўринда электр таъминоти ва газ исрофгарчилиги ҳақида ўз кўрганбилганларимиздан баъзи мисоллар келтирдик холос. Лекин ҳаётда тўловларни ўз вақтида тўламаслик ва энергия, газ каби табиий неъматлар исрофгарчилиги ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ўйлаймизки, айтганларимиздан кимлардир озгина бўлса-да хулоса чиқарса, бу ўзига ҳам, ўзгага ҳам, давлатга ҳам кони фойда бўлади.

## ҚЎМСАШ

Эски уйимиз бузиладиган бўлди. Янги уйга кўчиш тараддуди бошланди. Ҳаммамизга хуш келган хурсандчилик онамизга маъқул келмади. «Йўқ, бу уйдан кетмайман. Бу манзилдан ўтганларнинг руҳини сўндириб, чироғини ўчириб кетмайман» деб туриб олдилар. Бир-иккита кексалар, қариндош-уруғлар ўртага тушиб, аранг онамизнинг розилигини олдик. Шунда ҳам ўртага бир шарт қўйилди. Шарт шу бўлдики, уйнинг ярми бузилиб, онамизга тегишли ярми қоладиган бўлди. «Майли, болаларим кўчса кўчсин, мен кенжа ўғлим билан шу ерда яшайвераман» дедилар.

Ота-она сўзи амри вожиб. Шундай қилдик. Ака-укалар уйнинг ўзимизга тегишли қисмини бузиб, янги уйга кўчиб ўтдик. Шу баҳонада бўғотимиздан ўзига жой танлаган қалдирғочларни чирқиратиб, инини бузиб ташладик. Онамиз ўшанда «бечораларга увол бўлди» деб бир куйинади, бир куйинади.

Янги уйга кўчиб ўтсак-да, оёғимизнинг бир учи эски уйда қолди. Кунора мен ҳам, акам ҳам онамиздан, ҳали уйланмаган кенжа укамизнинг ҳолидан хабар олиб турамиз. Шу зайлда орадан уч-тўрт йил ўтди. Баҳор ойларининг ўртасида онажонимизнинг туғилган кунлари олдидан ҳаммамиз эски уйга — маслаҳатга йиғилдик. Ҳовлида ўтирсак, иккита қалдирғоч келиб тепамизда чарх айланди. Ойим ўтирган уйнинг бўғотига тирмашиб, бир чуғурлашади, бир чуғурлашади.

— Ҳар баҳорда шу аҳвол, — дейди онажонимиз қалдирғочлар ҳолатига разм солиб. — Бечоралар келиб, ўз масканларини излаб кетишади. Беш-олти кун шу атрофда айланиб юришади-да, уйимизга ин қуришдан зада бўлиб қолган аламзада бечоралар ноиложликдан, кейин бутунлай кўздан йўқолишади. Шундай болаларим, дунёда ҳеч кимни туғилган уйидан, ўз Ватанидан айирмасин, — дея қиссадан ҳисса чиқардилар.

Биз эса бу сўзларга унчалик эътибор бермаймиз. Қуш қушда, бу ер бўлмаса, бошқа жойдан ўзига ин қуриб олаверади.

Йиллар ўтиб, онамиз оламдан ўтдилар. Маросимларидан сўнг биз акаларнинг қистови билан кенжа укамиз ҳам янги уйга кўчиб ўтди. Шу алпозда ота ҳовлимиз бутунлай барҳам топди. Ҳозир ўша эски уйимиз ўрнида гўзал маскан — боғ барпо этилган.

Энди кексалик эшик қоқиб, ёшимиз анча ўтиб қолганида негадир тез-тез онамизнинг айтган ўша сўзларини эслайдиган, ўша эски уйимизни қўмсайдиган бўлиб қолдик. Шундан бўлса керак, ҳовлимиз ўрнида қад кўтарган боғга тез-тез бориб турамиз.

Эски уйимиз ўрнини тахминлаб, шу атрофдаги тахта ўриндиқлардан жой оламизда, ота-онамиз хотирасини ёдга оламиз. Падари бузрукворимиз, меҳрибон, жафокаш онамиз бағрида ўтган беғубор ёшлик йилларимиз, бўғотимиздаги инини бузилаётганда тепамизда чарх уриб бўзлаган қалдирғочлар бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Шунда беихтиёр онажонимизнинг «Ҳеч кимни туғилган уйидан, ўз Ватанидан айирмасин» деган пурҳикмат гаплари ёдимизга тушади.

# ЯНГИ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГЛАР

**ТЕМИРЙЎЛ ТИЗИМИДА АРХИВ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛИДА ҲАМ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИЛМОҚДА.**

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг архив бўлимида 2004 йилгача бўлган ҳужжатлар тўпланган.

Бўлимнинг моддий-техника негизи ҳам талаблар даражасида деса бўлади. Замонавий компьютер қурилмалари билан жиҳозланган бўлимдаги қатор жараёнлар каталог усулида олиб борилмоқда. Бу эса ўта қимматли ҳисобланган архив ҳужжатлари электрон каталоглари ва рўйхатлари бўйича электрон базани яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

# ХАЛҚ УСТАЛАРИГА БАҒИШЛАБ

**ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА МОҲИР УСТАЛАР САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШМОҚДА.**

Уларнинг бу саъй-ҳаракатлари республика «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.Уюшма яна бир хайрли ишга қўл урди. Бухоролик Абдуҳаким Раззоқов, самарқандлик Зариф Мухторов, фарғоналик Муҳаммаджон Каримов каби қўли гул устоз санъаткорлар ижодий фаолиятларини тарғиб этиш мақсадида уларнинг каталогларини яратишга киришилди. Бундай нашрлар ҳунармандчилик санъати тарихига оид ўзига хос тараққиёт йўллари ҳақида ҳикоя қилади.

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

**«ЎЗБЕКИСТОН» ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЎҚУВ МАРКАЗИ ТЕПЛОВОЗ ВА ЭЛЕКТРОВОЗ МАШИНИСТЛАРИ УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИГА АЙЛАНГАН. УНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИ ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МУАССАСАЛАРИНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ.**

Ҳозир бу ерда 13 та гуруҳда машғулотлар олиб борилмоқда. Уларда талайгина минтақавий темир йўл узелларидан келган ёш мутахассислар ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Марказнинг маънавият хонаси янги кўргазмали ўқув қуроллари билан қайта жиҳозланди.

## Алоқа

# РЕЖАЛИ ИШЛАР САРҲИСОБИ

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ УЧУН 2008 ЙИЛ МУВАФФАҚИЯТЛИ КЕЧДИ. БУГУНГИ КУНДА БУ КОРХОНА ТАРМОҒИДА 89 ТА АТС ВА КЎЧМА КОНЦЕНТРАТОРЛАР ИШЛАБ ТУРИБДИ.**

Йил давомида 14 мингдан ортиқ телефон ўрнатилди. Уларнинг аксарияти хонадонларга тўғри келади. Филиал томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматларининг қулай усуллари ҳам жорий этилди.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» корхонаси учун олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳам чакки бўлмади. Қурилиш ишлари учун катта миқдорда маблағ ажратилди. Иш ҳажмининг маълум қисми аҳоли маблағларини жалб этиш эвазига амалга оширилди.

# СТАНЦИЯДА ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ

**«ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ»НИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА НЕГИЗИ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРМОҚДА. ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН БУ КОРХОНАДА ХОДИМЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҲАМ КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.**

Станция ҳузурида фахрийлар кенгаши ҳам фаолият кўрсатмоқда. Кенгаш томонидан ҳисобга олинган нуронийларга ҳар чорак якунида мукофот пули бериб борилмоқда. Аризаларга мувофиқ дори-дармон, жарроҳлик амалиётига пул тўланмоқда.

# ТЕХНИКАВИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИНГ ИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАНДА «РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ» ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТЕХНИКАВИЙ ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ ҲАМ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ.**

Анжуманда кабелларни доимий ҳаво босими остига қўйиш, очиқ сим орқали ташкил этилаётган алоқа линиялари ва хавфли кесишмаларни бартараф этишга доир техникавий тадбирда сифат кўрсаткичига эришиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

### НОДИРА

**Ҳеч вақт мағрур кишилар билан ҳамсуҳбат бўлма.**

* * *

**Ҳар бир мушкулнинг охири осонликдир.**

* * *

**Камтарлик – бир улуғ исм бўлгани учун диллардан жой олди, тош эзилиб сурма бўлгани учун кўрар кўзлардан жой топди.**

* * *

**Одамларнинг қади одоб – тавозуъдан баланд бўлади, ҳусн бисотида қош ҳаммадан юқори ўтирибди, (чунки) у тавозуъ билан эгилгандир.**

* * *

**Закий табъи кишиларни ғам зиндонида асир кўрдим, тўти ҳам ширин сўзлигидин қафасга тушган.**

* * *

**Баланд мартабаликни исташ, сени оёқ ости қилади, мана олов юқорига бош тортиб, охири оёқ остига тушди (куйиб, кул бўлди).**

* * *

**Ошиқларга дил дардидин машаққатлироқ нарса йўқ.**

* * *

**Машаққатга сабр қил, мақсад гулшанининг эшиклари шу йўл билан очилади.**

* * *

**Ҳар кимнинг бошига ишқ деворининг сояси тушса, унинг кўнгил нури осмон қуёшига таъна қилади.**

* * *

**Кишиларни ўзига банд қилишнинг карам ва эҳсондан чиройлироқ нусхаси йўқ, шу билан бир жаҳонни кўнгил домига илинтириб бўлади.**

* * *

**Осмондан йиқилиш ҳеч нарса эмас, лекин кўнгилдан йиқилсанг, юз пора бўласан.**

* * *

**Гул баргига қаттиқ шамол офатдир.**

* * *

**Ҳар кимки дилига қаноат лофининг ханжарини урар экан, дунёда озу кўпнинг орзусидан ўтиш керак.**

* * *

**Такаббурлик ва хасислик билан кишилар кўнглини овлаш осон эмас, тавозуъ билан эгилиш унинг тузоҳидир, эҳсони карам дилнинг донасидир.**

* * *

**Ноаҳил кишининг суҳбати ҳам табиатга юкдир.**

* * *

**Гулшанга бориб унинг ҳолидин тажриба қил, рангу бўйларига шону шавкат еткунга қадар ўтиб кетади.**

* * *

**Фурсат этагини қўлдан берма, иш вақти ўтгандан кейин илож бўлмайди.**

* * *

**Эй кўнгил, охири ҳамманинг бошига мушкул иш тушар экан, оқил киши бировнинг ўлимига хурсанд бўлмайди.**

* * *

**Жаҳонда ким бўлмасин хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонликдан ўзининг жавҳарини кўрсатади.**

* * *

**Муҳаббат сўзидан бошқа сўз мангу эмас, рангин маънидин бошқа нарса жаҳонда қолмайди.**

### МУНИС

**Сўз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дурининг хазонаси ҳам.
Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса бўлғай эрди нобуд.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

*Мусобақалар*

## КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН БАРЧА ЗАРУРИЙ ЧОРА- ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ЗАМОНАВИЙ СПОРТ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ ҚАД РОСТЛАЁТГАНИ АЙНАН ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИ БЎЛА ОЛАДИ.**

Хусусан янги йилнинг илк ойидан бошлаб Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган бир қатор мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Мисоллар орқали келтириб ўтадиган бўлсак куни кеча Собир Раҳимов туманида жойлашган «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида қизиқарли спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 100 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Ушбу мусобақада «Қорасарой» маҳалласининг «Матонат» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Барча иштирокчиларга ташкилотчиларнинг спорт анжомларидан иборат совға- саломлари топширилди.

Сергели туманидаги «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуасида ҳам «Марду майдон» деб номланган мана шундай мусобақалар уюштирилди. Унда тумандаги 317-, 303-, 277- ва 3- мактабларнинг юқори синф ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этди. Иштирокчилар спортнинг эстафета, тўсиқлардан сакраш, махсус тўсиқлардан ўтиш, айланма сакраш, коптокни махсус манежга етказиш, арқон тортиш, армрестлинг турлари бўйича ўзаро мусобақалашдилар.

Тумандаги 17-, 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, туман халқ таълими бўлими , Қизил Ярим Ой жамияти , «Камолот» ЁИҲ, техник марказнинг туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада 200 дан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбир сўнгида барча қатнашчи ва ғолибларга спорт жиҳозлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан ўтказилган спорт мусобақаларидан лавҳалар**






## "СУКУНАТ" КАТТА ЭКРАНДА

**ПОЙТАХТДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ КИНОСАРОЙДА "ЎЗБЕККИНО" МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ БУЮРТМАСИГА БИНОАН СУРАТГА ОЛИНГАН "СУКУНАТ" ФИЛЬМИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Инсон маънавиятини бойитишда унга ҳаётий сабоқ беришда кино санъатининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Айниқса, бу борада одамларни фикрлашга, мушоҳада юритишга ундовчи, ёшларни тарбиялашга қодир сара фильмлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

2008 йилда юртимиз киноижодкорлари томонидан хилма-хил жанр ва йўналишларда элликка яқин фильмлар яратилган бўлса, янги йилнинг илк кунларида уларнинг сони яна биттага кўпайди. Режиссёр Ёлқин Тўйчиев томонидан яратилган "Сукунат" фильми меҳр-оқибат туйғусини тараннум этганлиги, инсонийлик руҳида йўғрилганлиги билан томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

–Бу фильм ижодкор инсон, яъни актриса ҳақида. Фильмда унинг руҳий олами, хаёлот дунёси, ютуқ ва камчиликлари, умуман изланиш жараёнлари акс эттирилган, – дейди киношунос Феруза Нодирова. – Шуни айтиш ўринлики, режиссёр ва муаллиф инсон руҳиятига назар ташлаб, унинг кечинмаларини тўлалигича очиб беришга ҳаракат қилган. Фильмни кўрган ҳар бир инсон ҳаёт ҳақида ўйлайди ва мулоҳаза юритади.

Иқтидорли актриса Раъно Шодиева фильмда кун сайин гапириш ва эшитиш қобилиятини йўқотиб тобора дарди оғирлашиб, кар ва соқов бўлиб қолаётган ёш актрисанинг руҳий кечинмаларини маҳорат билан ижро этган. Фильмнинг таъсирчанлиги тасвирий ечимга ҳам бевосита боғлиқ. Айнан инсон руҳиятини, ички оламини кўрсатиб бериш тасвирчидан катта маҳорат талаб қилади. Мазкур фильмда тасвирчи яхши топилмалар билан ёндоша олган. Режиссёр ва тасвирчи ижодий ҳамкорлиги фильмнинг ҳаётийлиги ва жозибасини янада оширган. Бир сўз билан айтганда "Сукунат" фильми мухлислар учун муносиб янги йил совғаси бўлди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**21 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА**

**Бугун Меркурий Тоғ эчкиси буржига қайтиши билан боғлиқ ҳолда иззатталаблик, ўзаро мулоқотларда босиқ-вазминлик, эҳтиёткорликка мойиллик сезилади. Биринчи галда ижтимоий мавқе ташвиши ва бошқалар фикрига ишончсизлик кайфияти устун келади.**

Қуёшнинг бугунги ҳолати кунни ҳар нарса юз бериши мумкин бўлган хайратли фурсатга айлантиради. Мунажжимлар барча кераксиз нарсалардан халос бўлиш, ҳаёт ҳақиқатларини идрок эта билишга даъват этишади. Ҳаётингизни бутунлай янги изга солиб юборишингиз, ҳамма нарсани янгидан бошлашингиз мумкин.

Бугун меҳмондўстликка интилиш, дўстларни таклиф этиш яхшиликка бўлади. Янги танишувлар, бир қарашдаги муҳаббат ҳодисалари юз бериши мумкин. Атрофингизда ҳаётидан нолийдиганларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилинг. Майда-чуйда ишларга ўралашиб, уларга боғланиб, банд бўлиб қолмаслик керак. Соч олдириш, тирноқларни олиш, тиш олдириш, жарроҳлик операциялари хайрли бўлади.

Пулларингизнинг ишдаги ва рўзғордаги оқимини ҳушёрлик билан кузатинг – бу сизга яқин кунларда юз бериши мумкин бўлган нохуш "сюрпризлар"нинг олдини олишингизга ёрдам беради. Саунага, ҳаммомнинг буғхонасига тушиш, сув билан боғлиқ бошқа муолажалар тавсия этилади.

Эрталабга яқин кўрган тушларингизда хаёлингизга келган орзуларингиздан воз кечиб, уни оқар сувга ҳеч ким эшитмайдиган қилиб, шивирлаб айтиб бериш билан кифояланганингиз маъқул.

*Спорт янгиликлари*

## ҲАКАМЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

**ХАЛҚАРО ФУТБОЛ УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ –ФИФА ФУТЗАЛ ВА ПЛЯЖ ФУТБОЛИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЧ НАФАР МУТАХАССИСИНИ ҲАКАМЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТДИ.**

Сайфиддин Омонов бир неча йиллардан буён футзал бўйича қитъа миқёсидаги учрашувларни юқори савияда бошқариб келаётган эди. Энди яна бир ҳакам — Шуҳрат Пўлатов ФИФА эътирофига сазовор бўлди.

Бахтиёр Намозов эса Ўзбекистон учун янги спорт тури — пляж футболи ҳаками сифатида ФИФА рўйхатидан жой олди.

## ЖАМОАЛАР РЕЙТИНГИ ЯНГИЛАНДИ

**ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ 2009 ЙИЛДАГИ ДАСТЛАБКИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**

Унга кўра, Ўзбекистон чемпиони ва мамлакат кубоги соҳиби — «Бунёдкор» (Тошкент) жамоаси етмишинчи поғонани банд этган. Миллий чемпионатни иккинчи ўринда якунлаган пойтахтимизнинг яна бир вакили «Пахтакор» эса 156-поғонадан жой олди.

Умумий рўйхатда клублар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоаси етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Германиянинг "Бавария" клуби иккинчи қаторга кўтарилиб олган бўлса, "Ливерпуль" (Англия) учинчи ўринда бормоқда.

**Боҳир БЕК**

*«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати*

## ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Кексалик ёшларида овқатланиш киши саломатлигига жуда катта таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам уни тўғри ташкил этишнинг аҳамияти жуда катта. Тўғри ва ёшга мутаносиб овқатланиш кексаларни нафақат турли касалликлардан сақлаб қолади, балки организмнинг эрта қариш жараёнларини секинлаштиради ҳам. Тиббиёт фанлари номзоди М.Миршарипов билан суҳбатимизда "қарини овқат сақлайди" нақлининг мағзини чақамиз.

Овқатланиш хилма-хил, муайян меъёрга эга ва асосий озиқ-овқат моддалари ва энергияга бўлган эҳтиёжларга мутаносиб бўлиши керак. Тана вазнини энг матлуб оғирликка келтиришга ҳаракат қилиш шарт. 70 ёшларга яқинлашганда эса, истеъмол қилинадиган овқат ҳажмини 25-30 ёшлардагига нисбатан учдан бирга қисқартириш лозим бўлади.

Овқатланиш режимини кунига камида 3-4 марта қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда сўнгги овқатланиш уйқуга ётишдан 2-3 соат олдин амалга оширилиши тавсия этилади. Овқатланиш вақтлари оралиғининг узоқ чўзилиши очлик ҳиссини кучайтириб, кўп овқат еб қўйишга ва оқибат натижада тана вазнининг ошишига олиб келиши ёдингизда бўлсин. Овқатни бўлиб-бўлиб, "кам-кам, лекин тез-тез" тамойилида истеъмол қилиш фойдали.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш ўринлики, кексалик ёшида бўкиб овқатланмаслик жуда муҳимдир. Ортиқча вазнга эга бўлинганда ёки семиришга мойиллик бўлганда, ҳафтасига 1-2 марта енгил парҳез кунларини жорий қилиш керак. Яна бир муҳим масала – жониворлар ёғидан тайёрланган овқатлар истеъмолини албатта чеклаш лозим бўлади. Масалан, сариёғни фақат бутербродлар тайёрлаш ва тайёр овқатларни хушхўр қилиш учунгина (бир порция овқатга 5-6 граммдан) ишлатган маъқул. Жонивор ёғи (кўпроқ сутдан олинадиганига устуворлик берган ҳолда) истеъмолининг умумий миқдори кунига 25 граммдан ошиб кетмаслиги керак.

Ёғсиз таомларни ейишда қийналадиган бўлсангиз, ҳеч бўлмаганда, жонивор ёғини ўсимлик мойларига қисман бўлса ҳам алмаштиришга ҳаракат қилинг. Ўсимлик мойларида овқатлар тайёрлабгина қолмай, салатлар, винегретларни хушхўр қилишда улардан фойдаланиш, бўтқаларга ҳам шу мойларни ишлатиш мумкин. Бунда оқланмаган ўсимлик мойларига устуворлик берганингиз маъқул. Мол ва қўй ёғларини эса, бутунлай истисно қилиш мақсадга мувофиқ. Маргаринни фақат пишириқларга ишлатиш мумкин.

Гўшт, парранданинг семиз-ёғлиқ навларини, калла-поча, ичак-чавоқлар ( жигар, мия, елин, увилдириқлар)ни умуман овқатга ишлатмасликни маслаҳат беради. Гўштлик ва балиқлик таомларни қайнатма, дудлама ва димлама кўринишларида тайёрлаш ва кунига 70 дан 100 граммгача истеъмол қилиш фойдали. Тухумни ҳафтасига фақат 1-2 дона ейиш мумкин.

Юқоридаги чеклашлар ўрнини тўлдириш учун овқатланиш рационига мева ва сабзавотларни кенг жорий этишингиз керак бўлади. Ҳар куни 300-400 грамм мевалар ҳамда 600-800 грамм сабзавотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Турли хил кўкатлар, пиёз, саримсоқ пиёз, петрушка, укроп, шунингдек, дуккаклилар (яшил нўхот, ловия)ни имкон қадар кўпроқ ишлатган маъқул.

Мева ва резаворларда, сабзавотлар таркибида бўладиган органик кислоталар организмнинг ички муҳитини ишқорлаб, озиқа толаларининг ишлаб чиқарилишига ёрдам беради, қабзиятнинг олдини олади, организмдан холестерин моддаларини ташқарига чиқариб юборади ва шулар ҳисобига инсон умрини узайтиради. Буни ёддан чиқармасликни маслаҳат берган бўлардик.

Мева ва сабзавотлар истеъмоли ҳақидаги фикримизни давом эттириб, бир муҳим жиҳатга эътиборингизни жалб этишни истардик. У ҳам бўлса – таомларда сариқ ва қизғиш рангли мевалар ёки сабзавотлар албатта бўлишига ҳаракат қилишингизни илтимос қилишдан иборат. Чунки бу ранглар ўша сабзавот ва меваларда каротин моддаси борлигини англатади. Булар – биринчи навбатда – сабзи, ошқовоқ ва цитрус меваларидир.

Истеъмол қилинадиган мева ва сабзавотлар миқдорини ошириб бориш билан айни пайтда қант-шакар истеъмолини (кунига 35 граммдан оширмаган ҳолда) кескин камайтириш тақозо этилади. Шу ҳисобга мураббо, жем, конфетлар, тортлар ва бошқа ширинликлар ҳам киради. Улар ўрнига кунига 30 граммгача асал ейиш айни муддао ҳисобланади.

Ҳар куни ҳар қандай кўринишдаги сут-қатиқ маҳсулотларини истеъмол қилишга одатланинг. Айрим чеклашлар ёғлиқ сузма, қаймоққа дахлдордир, холос. Овқатларнинг гарнирини тайёрлашда ёки алоҳида таом сифатида фойдаланишда сабзавотлар билан бир қаторда гречка, сули, арпа-ёрмаларидан ва "Геркулес-"дан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинг: зеро, улар тўйимли ва айни пайтда киши организми учун ғоят фойдали маҳсулотлар ҳисобланади.

Суюқ овқатларни кўпроқ ва асосан вегетарианча усулда – яъни гўштсиз, сабзавот ва кўкатлардан кенг фойдаланиб тайёрланг. Гўшт ва балиқ қайнатмаларини ҳафтасига 1-2 марта истеъмол қилишнинг ўзи етарли бўлади.

Туз масаласига алоҳида эътиборингизни қаратишни истардик: унинг истеъмолини кунига 6-8 граммдан мутлақо оширмаслик лозим. Қора чой ўрнига кисель, компотлар, наъматак меваси қайнатмаси, ялпизли ва бошқа гиёҳли чой ичишга ўрганиш керак.

Нон масаласида кўпроқ арпа унидан тайёрланган, сал эскитилган (кечаги ёпилган) нонни бир кунда 225-275 граммгача истеъмол қилиш мумкин. Буғдойнинг кепакли унидан тайёрланган кулчалар энг фойдали озиқалар сирасига киради.

Гўштли овқатларни айни пайтда кўп миқдорда сабзавотлар солиб тайёрлаш мақсадга мувофиқ – шунда унинг биологик қиммати ва фойдалилиги анча ортади. 60 ёшдан ошган кишиларга овқатланиб бўлишлари билан жисмоний ишга киришиб кетишлари матлуб эмас. Бунинг ўрнига чўзилиб ёки ўтириб ярим-бир соат дам олиш, шундан кейингина одатий юмушларга уриниш мумкин.

Юқорида кексалар учун тўғри овқатланишнинг умумий рецептлари ҳақида тўхталдик. Шуларнинг ўзига амал қилишнинг ўзиёқ кексалик йилларининг мароқли ва сермазмун ўтишига ҳамда умрнинг узайишига катта ёрдам беради. Саломат бўлинг!

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. 2009 йил 10 феврал куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига такроран суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Чилонзор туман судининг 26.06.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани "Инвест" жарима майдончасида сақланаётган, "Тико" русумли, д/р А900CVM бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 000 000 сўм. **2.** Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 04.08.2008 йилдаги 1-706-2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Файзобод" б/м омборида сақланаётган, "Тико" русумли, д/р 11R9259 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 820 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, ҳ/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба
ва якшанбадан ташқари ҳар куни
соат 9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
233-28-95.
Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4554 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 6

Топширилган вақти: 12.45